

# Ishonch

2018 йил 9 июнь • шанба • № 69 (4042)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЦИНДАО ШАҲРИГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлисида иштирок этиш учун 8 июнь куни Хитой Халқ Республикасининг Циндао шаҳрига келди.

«Лютин» халқаро аэропортида Ўзбекистон раҳбарини Хитой ҳукумати вакиллари кутиб олди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 9-10 июнь кунларига белгиланган.

Бу йилги саммитнинг ўзига хос томони шундаки, у ilk бор «саккизлик» форматда бўлиб ўтади, яъни бу сафар Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида Хиндистон Бош вазирини Нарендра Моди ва Покистон Президенти Мамнун Хусейн ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган мамлакатлар раҳбарлари сифатида иштирок этади.

Маълумки, 2016 йилги Тошкент саммитида Хиндистон ва Покистоннинг ШХТга аъзо давлат макомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисида меморандумлар имзоланган ва улар учун ташкилотга йўл очилган эди. Нихоят, ўтган йили Остонада бу икки давлат Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоларига айланди.

Циндаода ташкилотга аъзо мамлакатлар раҳбарлари аввал тор доирада, кейин кузатувчи макомидagi давлатлар вакиллари билан биргаликда кенгайтирилган таркибда музокаралар ўтказди. Учрашуларда ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш, сиёсат, ҳафсизлик, савдо, иқтисодий, юқори технологиялар ва инновациялар, инвестиция, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масаллари муҳокама қилинди.

Саммит якунида давлат раҳбарларининг Циндао декларациясини қабул қилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш, узоқ муддатли яхши кўшничлик, дўстлик ва ҳамкорликка оид ҳужжатлар, ёшларга қўшма мурожаатни имзолаш қўзда тутилган. Бундан ташқари, аъзо давлатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга оид қатор бошқа ҳужжатларни қабул қилиш мўлжалланган.

Давлат раҳбарлари навбатдаги муддатда ШХТга раислик қиладиган мамлакат тўғрисида қарор қабул қиладилар, ШХТ бош қотиби ва Минтақавий ақсилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори лавозимларига номзодлар тасдиқланди.

ШХТ саммити доирасида Ўзбекистон Президенти қатор давлат раҳбарлари билан учрашув ва музокаралар ўтказиши режалаштирилмоқда.

Ў.А.



## Истиқболли корхона

Андижон туманидаги «Andijan Silk Co» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси пилани қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга иқтисодлашган.

Яқинда иш бошлаган корхона хорижда

ишлаб чиқарилган замонавий ип йигирув ва тикув машиналари билан жиҳозланган. 150 киши доимий иш билан банд. Йил охирига қадар ишчилар сонини 300 га етказиш қўзда тутилган.

Корхона тўлиқ қувват билан иш бош-

лагач, йилига 300 тонна курук пилла қайта ишланади. 2018 йилнинг ўзига 5,1 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинади.

Ў.А. фотомўхбири

Оқил ҒУЛОМОВ олган суратлар.

### Шахсий фикр

## Катта дунёнинг кичик суврати

маънавий соҳа иқтисодий йўналишлардан  
ўн қадам олдинда юриши керак

Дам олиш кунини болалар билан телевизор «та-лашиб» қолдик. Улар «Ёшлар»даги хинд сериали зўр жойига келиб қолганини айтишди, мен эса «Кинотеатрдан берилаётган «Гладиатор»ни кўр-масам бўлмаслигини билдирдим. Уйда телевизор битта, томошбин эса бешта. Хуллас, ўша кунини озчилик кўпчилиikka енгилди, яъни «ёш томошбинлар» — болалар устун келишди. Мен эса ўн марта лаб кўрган бўлсам ҳам ҳаёлан яна ўша кинога қайтдим, унинг нақадар маҳорат билан тасвирга олинганини ўйлаб энтикиб қўйдим.

Энтикишимнинг боиси шуки, Голливуднинг зўр актёрлари, «Оскар»дан баланд турадиган

кинолари бор. Голливудини шу даражага етказган, унинг нуфузини таъминлайдиган ноёб иқтидор эгаларидан бири Рассел Кроу-жойига келиб қолганини айтишди, мен эса «Кинотеатрдан берилаётган «Гладиатор»ни кўр-масам бўлмаслигини билдирдим. Уйда телевизор битта, томошбин эса бешта. Хуллас, ўша кунини озчилик кўпчилиikka енгилди, яъни «ёш томошбинлар» — болалар устун келишди. Мен эса ўн марта лаб кўрган бўлсам ҳам ҳаёлан яна ўша кинога қайтдим, унинг нақадар маҳорат билан тасвирга олинганини ўйлаб энтикиб қўйдим.

Энтикишимнинг боиси шуки, Голливуднинг зўр актёрлари, «Оскар»дан баланд турадиган

3»

### Тараққиёт йўли

## «Илмимизни беҳуда сарфламаймиз!»

хоразмлик ёш олимларнинг шиори шундай

«Энг фаол ёш мутахассис» қўриқ-танловининг Хоразм вилояти босқичида «Энг фаол ёш олим» номинацияси ғолиблиги учун баҳслар ниҳоятда қизиқарли кечди. Ёш илм соҳиблари ўз иқтидор ва имкониятларини тўлиқ ишга солган ҳолда, ушбу номга мүнносиблигини намойиш қилишди. Гарчи, иштирокчилар фаннинг турли йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган бўлсалар-да, илм эгаларига хос қатъият ва маънавият билан ўз рақобатчиларига фавқуллодда саволлар беришди, баҳслашди, рад қилишди.

Узоқ тортишувлар, савол-жавоблар илм эгаларини эсанкиратиб қўймади. Ўз илмий тадқиқотлари ҳақида батафсил маълумот беришди, чет тилларини қай даражада билишини, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини ғалвирдан ўтказишди. Экспертларнинг улар орасидан энг фаоллини танлаб олиши осон кечмади. Боиси, қўйилган ҳар бир баҳони ёш олимларга изоҳлаб беришга тўғри келди.

2»

### Ғолиб РУСТАМОВ,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

### Касба уюшма ҳаёти

Ўтган икки йил давомида халқ билан мулоқот, ходимларга яратилаётган имтиёз ва қафолатларнинг татбиқи этилиши, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни кучайтириш ва аъзолар сафини кенгайтириш борасида салмоқли қадамлар ташланди.

## Салмоқли қадамлар

Бу борада Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмалари томонидан ҳам қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, бошланғич ташкилотлар ва аъзоларни кўпайтириш юзасидан сезиларли ишлар қилинди. Тармоқ Республика кенгаши ташаббуси билан Самарқанд вилоятида ички ишлар органлари тизимида фаолият юритаётган 6300 нафардан зиёд маҳсул унвонга эга бўлган ходимлар касба уюшма аъзоллигига жалб этилиб, тегишли ташкилий ишлар амалга оширилди. Тизимда янги бирлашган касба уюшма қўмитаси фаолияти йўлга қўйилди.

Ўтган даврда вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти билан ҳамкорликда тизимда ишлаётган 150 нафар хотин-қиз байрам муносабати билан рағбатлантирилди, Наврўз байрами арафасида ички ишларда ишлаб нафақага чиққан ходимлар ҳолидан хабар олинди. Эҳтиёжманд ходимларга моддий ёрдамлар кўрсатилди, республикамиздаги қатор санаторийларда соғломлаштирилди. Аъзоларнинг мароқли дам олишини таъминлаш мақсадида Бухоро шаҳрига бир гуруҳ ходимларнинг саёҳати уюштирилди.

Умуман олганда, вилоят Давлат молиявий назорати бошқармаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, Адвокатлар палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси ва унинг тизимидаги ташкилотлар, вилоят Инвестиция бошқармаси, Булунгур туманида янгидан ташкил этилган «Пуре Диамонд Силк» МЧЖ, шунингдек, вилоятда фаолияти йўлга қўйилган 100 дан зиёд ташкилотлар касба уюшмаларига жалб этилди.

## КУН НАФАСИ

«Хар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Унга қўра, ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало, олис ва табиий-иклим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар қилинишини таъминлашга қаратилган «Хар бир оила — тадбиркор» дастури амалга оширилади.

Ў.А.

«Навоний» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш ва Навоний вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ, 81 гектардан ортиқ фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари «Навоний» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида киритилади. 38 гектардан ортиқ фойдаланилмаётган майдонда жойлашган давлат мулк объектлари негизда Навоний вилоятида кичик саноат зоналари ташкил этилади.

Адлия вазирлигининг «Ҳуқуқий ахборот» канали.

«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Унга қўра, Мудофаа вазирлигининг жаңговар қисмлари ва жаңговар таъминот бўлимчаларининг офицерларига ҳамда сержантлар ва оддий аскарлар таркибининг контракт бўйича ҳарбий хизматчиларига ҳар бир ҳарбий қисмдан 10 нафаргача кишига мамлакатда ишлаб чиқарилган бюджет автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар берилди.

Адлия вазирлигининг «Ҳуқуқий ахборот» канали.

Тошкент шаҳрида «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш» мавзусида ўтказилган уч кунлик Марказий Осиё халқаро экология форуми ўз иштини якунлади.

Ў.А.

Ўзбекистон савдо-саноат палатасида Польша Республикаси Ташкей Пашеж Папез бошчилигидаги делегация билан учрашув ҳамда Ўзбекистон — Польша ишбилармон доиралари бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ў.А.

Фахриддин Жуманиёзов ва Бахтиёр Муҳаммадсидов Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси раисининг ўринбосарлари тасдиқланди.

Ў.А.

«Термиз — Хайратон — Мозори Шариф — Хирот» темир йўлини 3 йил давомида қуриб битказиш қўзланган.

Ў.А.

\*\*\*

«Ягона интерактив давлат хизматлари» порталида фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида манзил-маълумот ахборотларини тақдим этишга мўлжалланган янги хизмат жорий этилди.

Ушбу давлат хизмати жисмоний шахсларга фуқароларнинг мамлакатимиз ҳудудида яшаш учун рўйхатга олинганини тасдиқловчи маълумотномани олиш бўйича электрон ариза тақдим этиш имконини беради.

Xabar.uz.

\*\*\*

Хитойнинг Шэньчжэнь шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар партияларининг биринчи форуми бўлиб ўтди. Унда хитойлик ва хорижий мамлакатлардан 200 нафарга яқин вакиллар, жумладан, 20 та давлатдан 30 дан ортиқ сиёсий партиялар, шунингдек, ҳамкор ва кузатувчи макомига эга мамлакатлар ҳам иштирок этди. Ўзбекистон делегациясига «Адолат» СДП раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари Нармон Умаров бошчилик қилди.

«Адолат» СДП расмий сайти.

\*\*\*

Хитой Давлат тараққиёт банки ШХТга аъзо давлатларга 100 миллиард доллардан зиёд миқдорда кредитлар ажратади.

Пекинда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Банкларо бирлашма кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда банк Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларга кредит ажратилиши ҳақида эълон қилди. Бу сафар Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон банклари билан янги кредит битимлари имзоланди.

Uzreport.

\*\*\*

Москва шаҳрида Халқаро фуқаро авиациясининг «Аэропорт» ассоциацияси томонидан ўтказилган танловнинг «МДХ мамлакатларидаги энг яхши аэропорт» номинациясида 2017 йил натижаларига қўра, «Бухоро» халқаро аэропорти ғолиб бўлди.

Ў.А.

\*\*\*

Андижон вилояти Избоскан тумани Қораянтоқ қишлоғида меҳнат фахрийси, 75 ёшни қаршилаётган Махкамбой ота Бўронов фарзандлари билан 2 миллиард сўмдан ортиқ шахсий маблағи ҳисобидан «Жажжи тулғунчалар» номли 100 ўринга мўлжалланган хусусий мактабга таълим муассасасини қуриб фойдаланишга топширди.

Ў.А.

\*\*\*

Молия вазирлиги томонидан жорий йилда тизимда юқори касб маҳоратига эга, самарали меҳнат қилиб келаётган, замонавий фикрлаш ва ностандарт ҳолатларда тезкор қарорлар қабул қила олиш қобилиятига эга молия идоралари ходимлари орасидан раҳбарлик лавозимларига амалий кадрлар захираси шакллантирилиб, уларнинг 93 нафари молия идораларида вақант бўлган раҳбарлик лавозимларига тайинланди.

mf.uz

2»



«1

### САНОАТ ЧИКИНДИСИДАН ЎРАМА МАТЕРИАЛЛАР

Шахло Автова Урганч давлат университети кимё технологиялар факультети ўқитувчиси, мутаххил изланувчи. У узети, профессор М. Жуманиёзов бошчилигидаги узок йиллик илмий изланишларидан сўнг маҳаллий хом ашёлар ва саноат чикиндилари асосида рақобатбардош ўрама материаллар олиш технологиясини яратишга муваффақ бўлди.

Рубиронтилар курилишида ишлатиладиган энг муҳим маҳсулотлардан саналади. Биз унинг такомиллашган авлодини яратдик. Шу пайтгача рубиронтилар асосан нефт битумлари асосида тайёрланган. Биз уни гассипол смоласи билан алмаштирдик. Бир ўраманинг ички баҳода сотилиши 50 минг сўмдан тўғри келади. Биз яратган маҳсулот нархи эса 40 минг сўм. Амалдаги ўрамалардан яна бир афзал жиҳати ишлатиш осонлигидир. Рубиронтиларни табиий ишлатиш муддати 2-3 йилдан ошмайди. Томга ёйганда синади. Биз яратган ўрамаларни ўрнатиш осон ва улар синмайди, совукда ёрилмайди, — дейди Ш. Автова.

Госсипол захарли модда. Инсон саломатлигига таъсирини ўрганганимиз? — деган саволга ёш тадқиқотчи қуйидагича жавоб қайтарди:

Ўрганганимиз. Госсиполда 3-даражали захар бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида уни бартараф қилиш чоралари қўйилади. Шунинг билан тутиш керакки, захарланиш бутланиш харажарати 315 даражадан ошганда содир бўлади. Биз маҳсулот тайёрлашни 200 даража иссиқликка амалга оширамиз. Илгарилар госсипол утилизация қилинмаган ва чикиндига ташланган. Бу табиатимизга ниҳоятда зарарли. Бизнинг технологиямиз ана шу зарарни бартараф қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шахлонинг айтишича, ушбу маҳсулотта ички бозорда талаб катта. Бир йилда 150 метр квадрат маҳсулот ишлаб чиқарилса, уни 600 миллион сўмга сотиш мумкин. Шундан 300 миллион сўми фойдага қолади. Бу билан ка-

мида 15 нафар кишини доимий иш билан банд қилиш мумкин.

Ёш ихтирочи шу қуларда ўз яратган маҳсулотига патент олиш чораларини кўряпти.

Таъкидлаш жоизки, Шахлонинг инглиз тилида раво сўзлашиши, сиёсий билимдонлиги бошқа иштирокчиларникидан анча юқори баҳоланди.

### ЯНГИ БУГДОЙ НАВИГА ЭХТИЁЖ

Хоразмнинг иклим шароити шўр ва қуруқ бўлгани туфайли бугунги кунда маҳаллий

Худди шунинг учун ҳам маҳаллий шароитга мос, серхосил нав яратиш гоёсини илгари сураямиз, — дейди ёш олим. — Ғоямиз амалга ошса, бизнинг бугдойимиз таннархи ҳам анча арзонлашади.

Сифати-чи? Тан олишимиз керак, бизнинг бугдойимиз бошқа давлатларда етиштирилган бугдой билан солиштирганда анча сифатсиз. Шундай экан, бугдой майдонлари ўрнида бошқа серхосил кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирган афзал, — дея эътирозларини билдиради яна бир иштирокчи.

Хозирча шундай. Аммо биз изланаямиз.

## «ИЛМИМИЗНИ БЕХУДА САРФЛАМАЙМИЗ!» хоразмлик ёш олимларнинг шиори шундай

шароитга мос бугдой навини яратиш такозо қилинади, — дейди Хоразм Маъмун академияси илмий ходими Нурбек Ҳамроев. — Мамлакатимизда пахта ва галла майдонларини қисқартиришга қаратилган сиёсат амалга оширилаётган даврда бу ниҳоятда муҳим. Чунки галла ҳосилдорлигини 80-100 центнерга етказмасдан туриб, бу соҳада сезиларли ютуқларга эриша оламиз, деб айта оламиз. Бугун Хоразм шароитида бугдойдан ўртача 30-35 центнердан ҳосил олинади. Бунинг учун канча меҳнат, канча маблағ сафарбар қилинади. Бир неча йилдан буён бугдойнинг серхосил навини яратиш устида илмий изланишлар олиб бораёлган. Бунинг учун бир қатор чет давлатларида бўлиб, малака оширдик, илмий анжуманларда иштирок этдик. Мамлакатимиздаги селекционер олимлар билан мунтазам ҳамкорлик қилияман.

Бугдойни ўзимизда етиштиргандан, қўшни давлатлардан сотиб олган арзон тушди-ку, — дея лўкма ташлайди рақобатчилардан бири.

Бугдойимиз, ҳам арзон, ҳам сифатли, тўйимли бўлишига, албатта, эришамиз.

### ШЎРЛАНИШГА ЧИДАМЛИ ҒИШТ

Яна бир ёш олим — Урганч давлат университети кимёвий технологиялар кафедраси катта илмий ходими Зокир Жуманиёзов мустақамлиги юқори, шўрланишга чидамли керамик ғишт ишлаб чиқариш технологиясини яратган.

Замон талабига тўлиқ жавоб бера оладиган, маҳаллий хом ашёлар ва саноат чикиндилари асосида тайёрланган ҳамда узок муддат ўз сифатини сақлай оладиган юқори мустақамликка эга ғишт масса таркибини ва энергетика жамкор усулини топдик. Энг асосийси, юқори сифатга эга бўлган тузли ва сувли муҳитлар таъсирига чидамли бўлган қурилиш ғишти олишнинг илмий асосларини яратиб, технологиясини ишлаб чиқдик ва уни ишлаб чиқариш

жараёнига татбиқ этиш арафасидамиз.

Изланувчи ўзи яратган ғишт намунасини тақдим этди.

Буни сиз лабораторияда яратгансиз. Бундай шароитда ҳаммаси мукамал бўлиши мумкин. Ишлаб чиқаришга келганда, сифат талаб даражасида бўлмаса-чи?

Биз бу ғоямизни кичик саноат ҳудуди ташкил қилиб, амалга ошироқчимиз. Ҳар томонлама ўйлаганмиз. Биз яратган 500 та ғишт хозирда очик майдонда ишлатилиб, синовдан ўтказилмоқда.

Янгилигиниз жамиятга қандай наф келтиради?

Амалдаги ғишлар вилоят иклим шароитига унчалик тўғри келмаяпти. Биз ғиштин шўр туپроқдан тайёрладик. Шўр туپроққа саноат чикиндилари қўшилиши натижасида ғишт ҳар томонлама мукамаллашади. Ундан қуриладиган иморатларнинг умри узун бўлади. Уни фасад сифатида ҳам, брусчатка сифатида ҳам ишлатиш мумкин.

\*\*\*

Баҳс-мунозаралардан қўрқикки, ёш олимларимиз барчаси илм-фан тараққиётига ҳисса қўиши ниятида изланмоқда. Ёш физик олим Мухтор Каримовнинг қаттиқ эҳсишлар сиртини ион сочилиш спектроскопияси услуби ёрдамида тадқиқ қилиш, Хоразм Маъмун академияси кичик илмий ходими Моҳира Раҳимованинг термитлар тарқалишининг олдини олиш ва уларга қарши қураш мавзуларидаги тақдиротлари ҳам ана шу тартибда таҳлил қилинди. Бу эса келажакка умид уйғотади. Зеро, илм-фан тараққиёт йўли ҳисобланади.



Мухаббат ТўРАЕОВА  
«Ishonch»

### Матбуот анжумани

Бежирим, сифатли, мустақкам ва энг асосийси қулай. Бу айни поябзалларга хос таъриф. Эндиликда уларни нафақат Ўзбекистонда ишлаб чиқариш, балки чет давлатларга ҳам экспорт қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Миллий матбуот марказида «Ўзчарм-саноат» уюшмаси томонидан ўтказилган «Экспортбон маҳсулотлар тури ва хилларини янада кўпайтириш борасида белгиланган чора-тадбирлар» мавзусидаги матбуот анжумани айни масалага бағишланди.

## Экспорт салоҳияти оширилмоқда

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 3 майдаги «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори «Ўзчарм-саноат» уюшмасига бир қатор имтиёзлар берди. Хусусан, чарм, мўйна хом ашёси ва жун маҳсулотлари экспорти билан шугулланувчи корхоналар учун 2023 йил 1 январига қалар корхона солиқ ва божхона тўловларидан озод этилиши белгиланган.

2017 йилда чарм-пойабзал маҳсулотлари Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Корея, Россия, Польша каби 17 та давлатга экспорт қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичи 24 тага етказиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, уюшма тайёр маҳсулотлар билан бир қатор нуфузли халқаро кўргазмаларда иштирок этиб келмоқда. Москва-нинг «MOSSHOS», Қозғистоннинг «SHOESSTAR», Туркиянинг «AYMOD» кўргазмалари шулар жумласидандир.

«Ўзчарм-саноат» уюшмаси ташаббуси билан жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳрининг «Ўзэкспо-марказ» кўргазмалар биносида «IX Халқаро чарм, поябзал, кийим ва аксессуарлар» кўргазмаси ямаркаси — 2018» ўтказилиши режалаштирилмоқда. Ушбу кўргазма-ямаркада маҳаллий тармок корхоналари билан биргаликда 14 тадан ортиқ чет давлатларининг 100 нафарга яқин тадбиркорлари иштирок этиши кутилмоқда.

Тадбир якунида соҳада мавжуд муаммолар бўйича музокаралар олиб борилиб, журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Озода РЎЗИҚУЛОВА

## Шижоат ва илҳом манбаи



«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг Қашқадарё вилоти босқинида биринчи босқич ғолибларидан иборат 86 нафар ёш мутахассис ўз омадларини синаб қўрди.

Қарши шаҳрида ташкил этилган танлов натижаларига кўра, Адхам Рўзиев — «Энг фаол ёш шифокор», Ортик Ҳамидов — «Энг фаол ички ишлар ходими», Баҳодир Ўткиров — «Энг фаол ёш фермер», Махлиё Жўраева — «Энг фаол ёш тарбиячи», Элдор Аҳмедов — «Энг фаол ипакчилик саноати ходими», Фозил Жамолов — «Энг фаол қурувчи», Толибжон Қурбонов — «Энг фаол ёш банк ходими», Рўзимурод Баротов — «Энг фаол ёш транспортчи», Шохрух Турдиев — «Энг фаол ёш олим» номинациялари ғолиби бўлишди.

Ғолиблар вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан қимматбаҳо эсдалик совға ва дипломлар билан тақдирланди. — Шаҳрисабз туманидаги «Radiant silk» Ўзбекистон-Хитой кўшма корхонасида ишлайман, — деди «Энг фаол ёш ипакчилик саноати ходими» номинацияси ғолиби Элдор Аҳмедов. — Корхонамизда хозирда пилла қайта ишланиб, ипак толаси ва ипак момиги Хитой ва Ҳиндистонга экспорт қилинмоқда. 2018-2019 йиллар учун Хитой билан Ўзбекистонга инвестиция қилиш бўйича шартнома имзоланди. Унга кўра, ипакдан мато тўкиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштиряймиз. Янги технологияларнинг келтирилиши эса биз каби ёш мутахассисларни янгидан-янг меҳнат зафарлари сари руҳлантирди.

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

\*\*\*

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш тарбиячи» танловининг Тошкент вилоти босқинида 9 нафар иштирокчи беллашди.

Бугунги тадбирда катнашишимдан асосий мақсад ўз билим даражамни синаб кўриш ҳамда ҳамкасбларимнинг ноънанавий бўлган иш услубларини ўрганиш, — дейди Чирчиқ шаҳридаги 4-сонли Давлат мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, танловнинг 2-урин соҳиби Мадинабону Йўлдошева. — Замонавий инновацион педагогик технологияларни, жумладан, бошлангич таълим тизими фаолиятини халқаро таълим стандартларига тенглаштиришда интерактив доскалардан фойдаланишни тақдиф этмоқчиман. Интерактив доска — бу ёрқин рангларга эга бўлган, қўл ҳаракатлари билан бошқариладиган сенсорли табло бўлиб, ундан фойдаланиш бола учун оддий бўр билан тахта доскага ёзишдан кўра қизиқроқ бўлади. Яна бир ғоя бу болажонларни инновацион компьютер технологияларидан бемалол фойдалана олишларини ташкил этишдир. Бунда билимлар жаҳон таълим стандартларидан Европа ҳамда Шарқ мамлакатлари педагогик технологиялари ўзимизнинг миллийлигимиз билан уйғунлаштирилган ҳолатда сингдириллади. Шу йўсинда бола мактаб таълимига бошлангич компьютер билимлари билан боради.

Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Энг фаол ёш олим» номинацияси бўйича ҳам танловлар ўтказилмоқда.

\*\*\*

Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг асосий мақсади ҳам ёшлар-

нинг истеъдодини намоён қилиш, танлаган касб ва ихтисосликларини қўқур ўрганишга қизиқишини кўчатириш, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш ва рағбатлантиришга қаратилгани билан эътиборга молик.

Тадбирда катнашиб ўзимга бўлган ишончим янада ошди, — дейди Тошкент тиббиёт академияси ассистенти, «Энг ёш шифокор» номинацияси ғолиби Ифтихор Нигматов. — Бизга беморлар асосан юздаги жароҳат ва нуқсонлар билан мурожаат қилади. Инсоннинг юзидаги нуқсон умимий руҳий-эмоционал ҳамда ижтимоий ҳолатига салбий таъсир этиши мумкин. У одамлардан ўзини четта олиш, аққаланиб қолишга мажбур бўлади. Бундай беморларни жамиятга қайтариш, уларнинг тўлақонли яшашига имконият бериш мақсадида юз-жаг жароҳатлиги амалиётини бажарамиз. Амалиёт давомида бўзган сунъий органларни қўчириб қўйиш зарурати ҳам юзга келади. Изланишларимдан бири сунъий органларни лоийхалаш усулида орган қўйилганидан кейин компьютер графикаси асосида янги органнинг кифаси беморга кўрсатилади. Бемор ўзининг янги чехрасини қўриб, унга ўзгартириш қилиш имкониятига эга бўлади.

Изланишларимдан яна бири 3D принтер ёрдамида сунъий аъзо яратишдир. Юздаги бирор-бир орган жароҳат туфайли олиб ташланганида, компьютер тамографияси орқали тегишли ўлчамлари компьютерга киритилади ва сунъий аъзо амалиёт натижасида яроқсиз билан алмаштирилади. Ушбу амалиёт биринчи навбатда бемор саломатлиги ва руҳий ҳолатини тикласа, иккинчи томондан катта маблағ сарфлаб, чет мамлакатларда даволинишга зарурат қолдирмайди.

Ғолиблар танловнинг якуний босқинида иштирок этади.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,  
«Ishonch» мухбири

\*\*\*

«Йилнинг энг фаол ёш шифокори» танловининг Наманган вилоти босқини байрамона тарзда кечди. Унда шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари томонидан ўтказилган босқинда ғолиб бўлган 13 нафар шифокор иштирок этди.



Ёш, изланувчан, тиббиётнинг машаққатли, айни пайтда масъулиятли йўлини босиб ўтишга қирришган кадрларнинг инновацион лойиҳа ва илмий изланишлари ҳакамлари хайрат томонидан муносиб баҳоланди.

Танлов якунида Янгикўрган ТТБ врач лаборанти Фаррухбек Абдухалилов биринчи, Тўрақўрган ТТБ врач Қудрат Раҳмонов иккинчи, РИШТЕИМ НФ юрак-кон томир жаррохи Сардор Мамажанов учинчи ўрин соҳибига айланганди.

Ғолиб ва иштирокчилар ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Одатий қун тартиби кишини бир хилликка ўргатиб қўяди, бироқ бугунгидек тадбирлар етук мутахассис сифатида шаклланишимизда жуذا муҳим, — дейди Сардор Мамажанов. — Чунки соҳа янгиликларидан хабардорлик самарали даволашда ўта муҳим омилдир.

Аббос МАМАДАЛИЕВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилотидаги масъул ташкилотчиси

## КУН НАФАСИ

«1

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетида Абдулла Қодирийнинг беш жиллик «Тўла асарлар»ни тақдироти ўтказилди.

ЎЗА.

\*\*\*

Харакатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган илохотлар тўғрисида кенг жамоатчилик, хусусан, халқаро ҳамжамиятнинг доимий хабардор қилиб бориш мақсадида «Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан «Ўзбекистон стратегияси» ижтимоий-таҳлилий журнали таъсис этилди. Журнал ўзбек, рус ва инглиз тилларида алоҳида кўринишда ҳар чоракда чоп этилади.

Kun.uz.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига таъсия этиш ҳуқуқига тадбиркорлик субъектлари ҳам эга бўлди.

davletovuz канали.

\*\*\*

Тошкент шаҳридаги Инха университети (IUT)нинг бир гуруҳ талабалари «Учувчисиз технологиялар» компаниясида меҳнат қилиб, ерин таҳлил қилиш ва прогнозлаш тизими модулини ишлаб чиқиб устида ишламоқда.

Университет матбуот хизмати.

\*\*\*

Маълумотларга кўра, 2018-2019 ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларининг 1,2,11-синфлари учун тўлиқ таълимдаги дарслик ва ўқув-методик мажмуалар тайёрланиб, чоп этиш ишлари давом этмоқда.

Жумладан, 11-синф учун 7 та тилда 20 та фандан 32 номдаги дарсликларнинг оригинал макети яратилди. 1 ва 2-синфлар учун 76 номдаги ўқув-методик мажмуалари қайта нашрга тайёрланди. Янги ўқув йили учун жами 28 миллион нусxada дарсликлар чоп этилади.

Daryo.uz.

\*\*\*

Шоир Сафар Оллоёр адабиётда янги жанр бўлган зарбулдостонга асос солиди. «Akademash» нашриёти томонидан 2500 нусxada чоп этилган «Одам ва омад» номи зарбулдостони Интернетул мулк агентлиги томонидан адабиётга илк жанр сифатида 2018 йил 25 майда рўйхатга олинган ва муаллифга бу ҳақда гувоҳнома берилган. Ушбу гувоҳнома муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида жаҳон конвенциясига аъзо 167 та давлатда амал қилади.

Xabar.uz.

\*\*\*

2018 йил январь-апрель ойларида Қозғистондан Ўзбекистонга 19,5 миллиард тенге (464,5 миллиард сўм ёки 58,6 миллион доллар) жўнатилди.

Ranking.kz.

\*\*\*

Тошкент шаҳрининг Қатортол ва Муқимий кўчалари чорраҳаси (халқ орасида «Спорт товарлари» номи билан машҳур чорраҳа) қайта очилиб, автомобиллар ҳаракати йўлга қўйилди.

Kun.uz.

\*\*\*

Самарқанд вилотида диний экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган 241 нафар шахс қидириладиган экан. Сўнгги 5 ой ичида уларнинг оила аъзолари билан ўтказилган тарғибот ва тезкор қидирув тадбирлари натижасида 15 нафари яшаш манзилларига қайтарилган. 13 нафари авф этилган.

Zarnews.uz.

\*\*\*

Шу кунларда Ўзбекистон томонидан Сурхон — Пули — Хумри электр-энергия тармоғи қурилмоқда. Мазкур тармок қуриб битирилган, Афғонистонга келадиган электр-энергия янада ортади. Келажакда Ўзбекистон Афғонистон орқали Жанубий Осиё давлатлари ва Покистонга ҳам электр-энергия экспорт қилиш ниятида.

ЎЗА.

\*\*\*

Америкалик врачлар охириг босқичдаги кўкрак саратони хасталиги билан оғриган беморни тўлиқ даволашнинг улдасидан чиқишди. Врачлар бунда беморнинг иммун тўқималаридан фойдаланишган.

Nature.com.

\*\*\*

Эстония ҳукумати мамлакатда жамоат транспортини бензүл қилади.

Weforum.org

\*\*\*

«Microsoft» компанияси Шотландияга қарашли Оркней ороллари яқинида денгиз остида 35,5 метр чуқурликда 864 та серверга эга маълумотлар марказини яратди. Маълумотлар маркази электр таъминоти ва интернетга ороларгача қўшилиб кетган сув ости кабелли орқали уланган. Марказини сақлаш учун харажатларни қамайтириш мақсадида серверларни совитишда денгиз сувидан фойдаланиш режалаштирилган. Мухандисларнинг фикрича, бундай марказ қамида 5 йил хизмат кўрсатиш заруратсиз ишлайди.

Spot.uz.

\*\*\*

Ҳиндистон ҳукумати қонинот дастури учун 1,5 миллиард долларлик бюджетни тасдиқлади. Ушбу дастур амалга ошса, Ҳиндистон ҳам худди АҚШ, Россия ва Қозғистон каби ўз космосромига эга бўлади.

sabah.com.tr

\*\*\*

Япониянинг «Asahi Power Services» компанияси ўз эгасини ёмғирдан ҳимоя қилишга қодир учар соябонни яратди. Мазкур конструкциянинг асосини дрон ташкил этади. Дрон мобил телефон билан алоқа ўрнатди ва мунтазам равишда смартфон соябон остида бўлишини таъминлайди.

Hi-News.

\*\*\*

Франция парламенти умумтаълим мактаблари ва қоллежлар ўқувчиларининг қўл телефонида фойдаланишни тақиқловчи қонунни қабул қилди.

«Анадўлу» АА

\*\*\*

Илк бор Ўзбекистон меваси Хитойнинг Пекин шаҳрига етказиб берилди. Ўзаро қелишувлар натижасида Ўзбекистон томонидан 80 минг АҚШ доллари миқдорда шартнома имзоланган. Қуни кеча меванинг шартномада белгиланган 16 тоннадан бичинчи қисми — 5 тоннаси экспорт қилинди. Гилос меваси Хитойнинг Пекин, Гуанчжоу, Шанхай, Циндао ва Чуншан провинцияларига етказилди.

UZZA.

\*\*\*

Жаҳон чемпионати арафасида бўлиб ўтаётган ўртоқлик ўйини доирасида Ўзбекистон терма жамоаси Уругвайга қарши майдонга тушди. «Сентенарио» стадионида кечган учрашув Уругвайнинг 3:0 ҳисобидаги йирик ғалабаси билан якунланди.

Kun.uz.

\*\*\*

Олимлар ўтирганда оғирликнинг орқага тенг тақсимланганини таъминлайдиган ҳамда уни қамайтириш борасида «маслаҳат»лар берадиган стулни ихтиро қилди.

Hi-tech.mail.ru.

\*\*\*



«1  
Шунақа: кино учун миллионлаб маблаг сарфланади, фойда эса ўн баробар кам. Моддий зарарни-ку қўя туринг, маънавий зарарчи? Голливудда эса аксинча: масалан, бир кинога ўн миллион АҚШ доллари сарфланса, юз баробардан зиёд фойда кўрилади. «Ҳа, энди уларда маблаг муаммо эмас, актёрлар ҳам катта гонорар олади», дейдиганлар топилади. Гап маблагда эмас, ишга чин дилдан, ихлос билан ёндашишда. Грузия, Эрон, баъзан хинд киноларини кўр-

«Соғинч соҳили», «Эрка», «Новда», «Кичкина табиб», «Ватан», «Осмондаги болалар», «Чавандоз» каби кўп-лаб бадий фильмларни келтириш мумкин. Ушбу киноларда биз ўз-гизимизни кўраётган, ён-атрофимиздаги кишиларнинг феъл-атвори ёхуд айнан шунга ўхшаш воқеалар маҳалламиз ёки кишлоғимизда бўй берганини таъкидлаётган. Негаки, уларда ҳаёт нафаси уфуриб туради, шу боис бундай асарларни томоша қилганда, албатта, маънавий завқ оламиз. Юриш-туришимиз, гап-сўзимиздаги айрим ноқис-

нуктаи назаридан дунёкарашимизга зид, миллий қарашларимизга кўпам тўғри келмайдиган кинолар пайдо бўлди. Уларнинг аксарияти сохта, ҳаётдан узок, кишининг гашига тегадиган даражада бачкана.  
Бир-бир ярим соатлик баъзи киноларни ўн дақиқа кўриб бўлмайди, афсус. Масалан, «Фарход ва Ширин» киносини кўриб, қандай ҳулоса чиқариш мумкин?  
Бу каби саволлар нафақат бизни, кўплаб муштарийларимизни ҳам ташвишга солапти. Мана, қўлимизда

дими?», деб сўраб қолди. Очиги, ки-зимнинг саволига жавоб беролмадим. Айтмоқчиманки, аксарият лавҳаларнинг мавзуси бир хил. Яъни, қайна-на-келин, қанда-анда можароси ёки оиладаги хиёнат «тарғиб» қилинади. Ахир, ҳаётда ундай эмас-ку! Биз томонларда бундай воқеалар деярли уч-рамайди. Шунинг учун бу каби лавҳаларни тушуниш қийин. Ахир, томошабинни жалб қилиш умидида хориж сериалларига таклидан, зўрма-зўраки ишланаётган айрим кинолар фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир

— Ўзбекистонлик икки талаба — Ботир Абдурахмонов ҳамда Абдуазим Илхомовнинг «Она» деб номланган фильмининг бир йил олдин бадий кенгашда илк бор томоша қилган эдим, — дейди таникли режиссёр Зулфигор Мусоков. — Ўша даврда бу фильм «Ўзбекистон» буюртмаси бўйича 9 май кунига бағишлаб суратта олинган эди. Ютуқларини эътироф этиб, баъзи эътирозларимизни айтган эдик. Бундай ҳаққоний, кўзбўяма-чиликсиз ютуқлар ҳар қуни ҳам содир бўлмайди. Афсуски, биронта жойда бу воқеа ҳақида ўқимадим. Ҳолбуки, бу фильм Венециядаги «Ca' Foscari Short Film Festival» кинофестивалида энг яхши деб топилибди. Лекин улар фестивалга боришга пул тополмади. Ҳайронман, ҳар қуни оммавий ахборот воситалари орқали ёшларга ёрдам берамиз, деб гапиришди. Ёки бу ёрдам фақат ҳар қуни меъёрииз пиар қилинаётган, аниқ сараланган битта-иккита ёшларга бериларми?..

Миллий киноларимизда орамиздаги одамлар, ҳусусан, ўз эъзулиги, ҳули, саҳовати билан намуна бўлаётган, кишлоқидан битта ноқисиз гап чиқса, ҳаётини йўқотиб қолган, тун-у кун ёшлар тарбияси йўлида эконбозлик кўрсатмаган юртдошларимиз, ҳар бир гапи ҳикматга тенг қай-вони онахонларимиз-у нуруний отахонларимиз ҳаёти ибрат қилиб кўрсатилса, шу орқали тарбиямизга, он-у шуури-мизга ёт эҳтиётларга ўрин бермаслик ҳар биримизнинг ҳар қунилик юмушларимиз қаторидан жой эгалласа, айни муддао бўлар эди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, агар биз аждодларимиз хотирасини улуғломқчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни, биринчи навбатда, кино санъати орқали амалга оширишимиз керак. Айнан кино санъати орқали жашон ёшларини забот этишимиз, шу йўл билан дунё аҳлининг диққат-эътиборини қозонишимиз мумкин.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ  
журналист

Муносабат

## Етти ўлчаб ташланган қадам

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда «Миллий первентив механизмни ташкилий-ҳуқуқий ривожлантириш: халқаро ҳужжатлар, хориж амалиёти ва Ўзбекистон тажрибасининг ҳусусиятлари» мавзусида ўтказилган халқаро давра суҳбатида иштирок этдим.

Тадбирда БМТнинг Миллий первентив механизми ривожлантиришга оид халқаро ҳужжатларининг хорижий мамлакатлар амалиётдаги ижросининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини умумлаштириш ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан қийноқларга солиш ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайринисоний ёки кадр-кимматни тахрирловчи турларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи миллий первентив механизм вазифасини амалга ошириш тўғрисидаги низом кенг муҳокама этилди.

Унда БМТ ва халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан Ўзбекистон БМТнинг Қийноқларга қарши конвенциясининг Факультатив

протоколини ратификация қилишдан аввал миллий первентив механизми татбиқ этиш бўйича мулоқотга киришгани эътироф этилди. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини янги сифат босқичига олиб чиқиш имконини бергани алоҳида таъкидланди.

Экспертлар жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган, қамқоқа олинган, шунингдек, маъмурий қамқоқ жазосини ўтаётган шахслар ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш бўйича комплекс норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга замин яратган «Суд-тергов фалия-

тида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ка-фолатларини қучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони аҳамиятини алоҳида қайд этишди.

Яқин вақт ичида қабул қилиниши мўлжалланган миллий первентив модель асосига, шунингдек, жорий йил 12 майда Президентимиз томонидан қабул қилинган ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг давлат ҳимояси тизимини мустаҳкамлаш учун чуқур институционал аҳамиятга эга «Адвокатура институтини самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони ҳамда шу йил 14 майда имзоланган «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори миллий қонунчилик ва халқаро норматив ҳужжатлар уйғунлашувига, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза этишга хизмат қилиши шубҳасиз. Миллий первентив ҳужжатнинг экспертлар эътиборини

тортган жиҳати, унда халқаро амалиётнинг кўплаб қоидалари ҳисобга олинган. Шу билан бирга, ушбу ҳуқуқий ҳужжат юртимизда халқаро ҳуқуқ нормаларининг қучли билим-донлари борлигидан далолатдир.

Умуман олганда, кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасида муҳим ислохотлар амалга оширилди, айниқса, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида цензура таъкидлангани ҳамда халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот йўлига қўйилганини демократиянинг ҳақиқий таънаси дейиш мумкин.

Миллий первентив механизмнинг қабул қилиниши юртимизда ҳуқуқий демократик жиҳатдан яна бир поғона юқорилашини таъминлайди. Мазкур ҳужжат жойларда фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлишига ишонаман.

Қамолиддин ОҚЎТАЕВ,  
Олий Мажлиснинг  
Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили  
(Омбудсман)нинг Сирдарё вилоятидаги  
минтақавий вакили

Реклама ва эълонлар

## «Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик «кимошди» савдосига таклиф этади!

Очик «кимошди» савдосига «O'zsanatqurilishbank» АТБ Фаргона минтақавий филиалининг Фаргона вилояти, Кувабой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уйда жойлашган собик банкрот корхона — «Кувабой чинниси» АЖнинг қисман мулккий комплекси негизда ташкил этилган «Ferghana Ceramics Industry» масъулияти чекланган жамияти устав фондидagi 100 фоиз улуши қўйилмоқда. Бошлангич нархи — 23 174 823 706,5 сўм.

Аукцион савдолари 2018 йилнинг 10 ва 17 июль кунлари

соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Мазкур улуш 2018 йил 10 июль кунги аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо кунинда ўтказилишини маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001,

«Ипотека банк» АТБ Шайхонтоҳур филиали, МФО: 00425, ИНН: 302074183, ОКОНХ: 83200 га тўлаш шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш «кимошди» савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

Хизматлар лицензияланган.

Мирзо Улғубек номидаги Ўзбекистон миллий университети томонидан 11.07.2013 йилда Ишқуватов Фахриддин Хуррамович номига берилган ВН 683979-рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Махлиё УМИРЗОҚОВА

Мулоҳаза

## Электрон таблолар ўрнатилган, аммо...



«Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва кишлоқлардаги автобусларда йўловчи ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорида йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирлари қучайтирилиши, йўналишлар бўйича ҳаракатланиш жадвалларига қатъий риоя этилиши таъминланиши, соҳада замонавий техника-технологиялардан фойдаланиш тизими шакллантирилиши ва такомиллаштирилиши белгилангани барчани хурсанд қилган эди. Лекин орадан шунча вақт ўтса-да, бу борада жиддий ўзгариш кўзга ташланмапти.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, 2016-2017 йилларда Тошкент шаҳридаги 20 тадан зиёд автобус оралик бекатларига электрон таблолар ўрнатилгани тўғрисида ОАВда хабар берилган эди. Ростдан ҳам йўналиш рақами ҳамда бекат номидан ташқари, автобусларнинг қанча вақтда бекатга етиб келишини онлайн режимда кўрсатиб турувчи қурилмалар ишга туширилди. Хўш, мазкур таблолар қай даражада ишляпти? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш мушкул...

Масалан, Шота Руставели кўчасидаги «Grand Mig» меҳмонхонаси ҳамда Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи ёнидаги автобус бекатларига шундай қурилмалар ўрнатилган. Мана бир йил бўлдики, улар ишламапти.

«Тошхашартрансхизмат» акциядорлик жамияти GPS хизматининг дастурий иловаси бўлган «Tashbus» билан боғлиқ муаммо ҳам бор. Android ҳамда iOS дастуридаги алоқа воситаларига юклар олинаётган «Tashbus» мобиль иловаси, таассуфки, тўлақонли ишламапти. Ишлаганда ҳам транспортнинг қатнов вақти кўрсатилмайди. Ваҳоланки, тизим эрталаб соат 6:00 дан ишга тушиши белгиланган. Ўз вақтида тегишли мутасаддилар ушбу тизимнинг қулайлиги ҳақида ОАВда бот-бот чиқишлар қилган эди. Нахотки, дастурий илованинг бугунги кунда қандай ишляётгани уларни қизиқтирмас?

Боз устига, автобус ҳаракатининг вақти нотўғри берилган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Аслида, бу илова ҳаракат интервалларига риоя этилишини яхшилаш, йўналишли автобусларнинг техник сабабларга кўра автобуслар тураргоҳига қайтиб кириши ва йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиш ҳолатларини кескин қамайтиришга хизмат қилиши, энг асосийси, йўловчилар учун қулайлик яратиши лозим. Бироқ амалда...

Қўпчилик йўловчилар учун бир нарса мавҳумлигича қолмоқда. Баъзи автобусларнинг орқа томонига унинг йўналиш рақами қўйилмаганига кўп гувоҳ бўлаётимиз. Нега айримларида бу рақам олд ва орқа тарафларига қўйилгани ҳолда бошқаларида фақат олд томонда кўрсатилган? Умуман олганда, автобуслар рақамини қўйиш тартиби қандай белгиланган?

Бу соҳада ҳали қилиниши керак бўлган ишлар талай эканидан далолат беради. Дунёнинг замонавий шаҳарлари билан бўйлашаётган пойтахтимизда барча жабҳалар каби ушбу тизимда ҳам янгиланишлар номига эмас, амалда бўлишига умид қиламиз. Чунки давр шуни талаб этмоқда.



Рухшуносларнинг аниқлашича, жажжи бола қуйидагиларга қараб вақтни англайди: муҳим ҳодиса, ёрқин таассуротлар ёки бирор воқеанинг содир бўлишини кутиш. Бирон-бир ҳодисани катта одам «Бу ўтган ҳафта содир бўлди», деб айтса, бола эса умуман бошқачасига тасвирлайди. Масалан: «Бу нарса менга қизил машина олиб беришганда содир бўлган эди» ёки «Бу нарса бувимникига борганимизда бўлади», деб айтади. Шунга кўра, болалар учун фақат икки замон мавжуд: ўтган ва келаси замонлар. Ҳозирги замон ҳақида эса уларнинг тушунчаси шаклланмаган, ҳозирги замон деганда улар «айнан ҳозир», «шу сония» деб тушунишади.

Ҳатто энг жажжи болачалар ҳам ўзлари кундалик содир бўладиган ҳодисаларни кўриш ва кузатиш орқали вақтни идрок этади: тонг тундан кейин, тун эса кечки овқат ва эртак ёки алладан сўнг келишини. Агар ота-она ҳар кун «хайрли тонг», шунингдек, «хайрли тун» тилайдиган бўлса, жажжи болакай вақтнинг кан-

шади. Натижада болага мутахассис — логопед ёрдами зарур бўлиб қолади.

#### АВВАЛ ВА КЕЙИН

Авваламбор, боланинг вақт ҳақидаги тасаввурини ривожлантириш учун 1,5-2 ёшда қуйидаги тушунчалар билан таништириш ке-

## БОЛАГА ВАҚТ ҚАДРИНИ ЎРГАТИШ гўдакликдан бошланади

дай ўтишини тушунишни тез ўрганиб олади. Лекин асосан болакайлар тафаккури кузатиш орқали ривожланади, мавҳум тушунчалар билан ўйлаш эса уларга бир оз мураккаброкдир. Вақт эса айнан мавҳум нарсалар категориясига киради — вақтни кўриб бўлмайди, эшитиб ва ушлаб ҳам бўлмайди. Шунга қарамай барчамиз, ёшимиздан қатъи назар, вақтнинг ўтаётганини ҳис қила оламиз. Ҳатто гўдакларда ҳам табиий вақтни сезиш ҳисси мавжуд — улар ўзларининг биологик соатлари ёрдамида вақтни мўлжаллай олади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, қатъий режим (тартиб)га эга болалар вақт тушунчасини яхшироқ англайди. Уларнинг организмлари маълум ритмга мослашади ва бирор вақт оралиги ҳақидаги тушунча уларда тезроқ пайдо бўлади. Режими бўлмаган болаларда, масалан, тушлик тановул қилиш пайти ҳар кун ҳар хил бўлган болаларда эса унинг акси бўлади.

Предмет сифатида эса соат болаларни 3-4 ёшда кизиктира бошлайди. Айниқса, зехни ўткир болалар шу ёшдаёқ вақтни аниқлаш салоҳиятига эга бўлади. Соат миллиларни аниқ билмас ҳам 3-4 ёшдаги болалар ҳатто ўз ўйинларида ҳам вақтнинг мутаносиблигини белгилар олади. Мисол учун, катталарга тақлид қилган тарзда ўз ўйинларида кўтирчоқ ёки айиқчаларига «Соат уч бўлди, тушлик қиладиган пайт бўлди», деб айтади.

#### БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

Боланинг биринчи олти ойида нутқнинг илк ривожланиши бошланади — шу илк ривожланиши ёрдамида кейинчалик боланинг она тилида талаффузи шаклланади. Жараён кечикишсиз содир бўлиши учун эса бола кўпроқ катталар билан уларнинг «тили»да мулоқотда бўлиши керак. Кўпчилик ота-оналар эса эндигина нутқи шаклланаётган болага «яримта» тил билан гапириб, катта хатоликка йўл қўйи-



рак: «аввал», «кейин», «ҳозир», «олдин», «кейин», «яқинда», «анчадан кейин» ва ҳоказо.

Буларни болага ўргатиш учун алоҳида маъруза ёки дарслар керак эмас, фақатгина ҳақиқат-ҳаракатларга изоҳ беришнинг ўзи киёф. Масалан, «Аввал бориб юзимизни ювамиз, сўнг нонушта қиламиз, кейин эса сайр қиламиз», деб изоҳлаш лозим. Айнан шу базавий тушунчалар боланинг хотирасида чуқур жойлашади. Шунингдек, нафақат кундалик ишлар, балки болага айтиб берилаётган ҳар қандай ҳодиса ёки уруғдан ўсимлик ўсиб чиқиши, қуртдан капалак пайдо бўлиши каби табиат конунари ёрдамида ҳам вақт тушунчасини сингдириб бориш мумкин.

#### ҲАФТА КУНЛАРИ

Кейинчалик эса аниқ вақт оралигини билдирувчи тушунчаларга ҳам ўтса бўлади. Аста-секинлик билан бола бугун, эртага ва кеча каби тушунчаларга эга бўлади. Буни аниқлаш осон бўлмаслиги мумкин — бошида болалар кўпинча бу сўзларни адаштиради (Ахир, бу ҳақиқий мавҳумлик-ку?!).

Ўтилган вақт тушунчаларини мустаҳкам-

лаш учун болага кўпроқ саволлар бериш даркор. Масалан, «Кеча боғчада қандай ўйин ўйнадинг?» ёки «Эртага қаерга боришимизни биласанми?». Бу тушунчаларни бола батамом ўзлаштириб олгандан кейин эса «индин» ва «кечадан олдинги кун» тушунчаларини ҳам ўргатса бўлади. Шу билан бир вақтда болани тақвимга, яъни ҳафта кунлари ва ойларга ўргатиш мумкин. Болага чиройли расмлар билан безатилган тақвим олиб, хонасига олиб қўйсангиз бўлади.

Албатта, бола бир зумда барчасини эслаб қолмайди — поғонама-поғона ўрганаверсин. Ҳар тонг болага бугун қандай ҳафта кун, сана ва ой эканини таништиринг. Болага кеча ва эртага қандай ҳафта кун эканини тақвим ёрдамида аниқлашни ўргатиш мумкин. Бундай расмлар атайдан уюштирилган бўлиб эмас, балки

#### Ёш ота-оналар ёндафтарига

кўп бўлишига қарамай, янги, ўрганилмаган кирралар борган сари қамайиб бораверади.

#### ЙИЛ ФАСЛЛАРИ

Икки яшар бола йил фасллари нима эканини тўлиқ тушуна олади. Қўз, қиш, баҳор ва ёзда қандай ўзгаришлар бўлиши, об-ҳавонинг ўзгариши, даракларда қандай янгилик рўй бериши, одамлар об-ҳавога қараб ҳар хил кийинишларига боланинг эътиборини қаратинг. Ҳозирда қор қоплаган кўчалар яқиндагина қандай экани, дарак барглари қандай тусда бўлгани, ариқдаги сув қандай бўлганини биргаликда эсланг. Ана шундай оддийгина суҳбатлар фасллар тушунчасини шакллантиради. Албатта, бола бир зумда ойлار кетма-кетлигини ёд эта олмайди. Уларни қайта-қайта тушунтираверинг. Шунингдек, болага ўқиб бераётган эртакларининг ҳам вақт тушунча-

сини ҳосил қилишга ёрдам беради. Чунки деярли барча эртакларда вақт ҳақида айтилган бўлади.

#### СОАТ

Бола ҳафта кунлари, ойлар ва фасллари тўлиқ ўзлаштиригандан кейингина вақт тушунчасининг энг мураккаб ҳисобланган қисмига ўтиш мумкин. Яъни соатга! Бунинг учун у 1 дан 12 гача бўлган сонларни билиши даркор.

Боланинг биринчи олти ойида нутқнинг илк ривожланиши бошланади — шу илк ривожланиши ёрдамида кейинчалик боланинг она тилида талаффузи шаклланади. Жараён кечикишсиз содир бўлиши учун эса бола кўпроқ катталар билан уларнинг «тили»да мулоқотда бўлиши керак. Кўпчилик ота-оналар эса эндигина нутқи шаклланаётган болага «яримта» тил билан гапириб, катта хатоликка йўл қўйи-

Натижада болага мутахассис — логопед ёрдами зарур бўлиб қолади.

Бунинг учун махсус болалар соатидан фойдаланиш осонроқ. Чунки бундай соатларнинг соат милли, рақамлари катта ва аниқ бўлади. Соат милли қандай ҳаракатланишини, сўнг эса дақиқа миллиларини тушунтиринг. Соат рақамлари ҳақида маълумот беринг. Аввал 0 дан 12 гача бўлган вақт тушунчасини изоҳланг. Болага кечаси соат 3 ва кундузи соат 3 бўлишини таништиринг. 5-7 ёшлар оралигидаги болакай бу каби маълумотларни тўлиқ қабул қилиши ва эслаб қолиши табиий ҳол.

Сўнгра эса ҳар кун вақт машгулотларини олиб бориш. Масалан, эрталаб бола уйғонган, тушлик қилаётган ёки ухлаганга таралдуд қўраётганда соат миллини қаерда бўлиш кераклигини ўргатиш мумкин. Одатда, агар катталар ўта кўп савол беравериб олириб юбормаса, болалар бундай нарсаларни тез ва бажонидил ўрганади.

#### Мўшарраф ТўРАБОЕВА,

Уйчи туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси

#### Кўнгил манзаралари



## Туйғунинг рангин топар...

Фармон Тошев чиройли ташбехлари, самимий сартлари-ю образли ифода тарзи билан шеърят ихлосмандларига яхши таниш. Ижодкор «Ғазал — маъни, ғазал — санъат» номли девони билан муҳлислари яхши маънода ҳайратда қолдирди. Унда турли йўналишдаги ғазаллар алифбо тартибда (радиқ тутаган ҳарф) жойлаштирилган ҳамда мумтоз адабиётимизда мавжуд анъаналар асосида тузилган. Девондаги «Интизорлик — шеваи ошиқ азали», «Муҳаббат — бунчалар олис», «Туйғунинг рангин топар» каби тоғли, суюмли сатрлар китобхонни ўзига мафтун қилади, тўп-ламни бир нафасда ўқиб чиқишга ундайди.

Аслида, девон тартиб беришга барча ижодкорлар ҳам журъат қилмаган. Бу шаклий, маънавий, бадний жиҳатдан пухта ғазалларни жамлашдан ташқари, уларни йўналиш, мавзу ва санъатлар, бадний тасвир воситаларига кўра уйғун ҳолда жойлаштириш, яхлит манзара ҳосил қила билиш деганидир. «Девон — мураккаб тўплам, у шунчаки ижодий ҳисобот эмас» дейди муаллифнинг ўзи ҳам. Фармон Қарнабий бунинг улдасидан чиқди. Эътиборингизга «Ғазал — маъни, ғазал — санъат» девонидан намуна ҳавола этамиз. Бу сизни шеърятнинг гўзал оламига олиб киради, кўнглингизни нур ва ҳароратга чулғайди.

Мухайё ИСМОИЛОВА,

«Ishonch» мухбири

*Кўнгил бердим ул ёрга, қаро қўзли дилдорга,  
Оҳим, дучор айлади изтиробу озорга.*

*Дедим: «Нисор бу жоним, раҳм эт интизорга!»  
Деди: «Нечун солурсан ширин жонни бозорга?»*

*Дедим: «Ярашгай сиздек санам бизнинг гулзорга».  
Деди: «Ҳаёт йўл бермас бу қадарлик ошкорга».*

*Ошиқ тақдири шундай: берар жонин жабборга,  
Тани билан кетгуси ишқи унинг мазорга.*

*О, не тонг, ошиқ севиб қул бўлди ихтиёрга,  
Эътибор бермас сира маъшуқа оҳ-у зорга.*

*Фармон, кўнгилни боғла ошўфта, ишқиворга,  
Севгини шундай қўйла, байт ўхшасин туморга.*

\*\*\*

*Овораман, азизлар, бир санамнинг кўйида,  
Икки мужгон бандидир қадд-у баста, бўйида.*

*Юзимдаги қонларми юрагимга тўқилди,  
Дерлар севиғи акс этар ошиқ рангу рўйида.*

*Муҳаббатким, ҳаёлим осмонларга етаклар,  
Ҳадсиз туйғу оққайдир вужудимнинг жўйида.*

*У кўшиқда виқор-ла кўз-кўз айлар жамолин,  
Мен эсам ёлвораман музтар бўлиб қўйида.*

*Ашким билан изларин ювсам, армоним йўқдир,  
Шабнам бўлсам розиман кипригининг мўйида.*

*Ета олмади Фармон висолига, оқибат  
Йўнамади, йиғлади, не тонг, ёрнинг тўйида.*

\*\*\*

*Жонни олур қошларининг имоси,  
Дил овлашми ё дилбар муддаоси.*

*Хаёлими у, меҳрми у, сеҳрми,  
Пешонамда ё муҳаббат балоси.*

*Кўзларида, қўлларида ишва, ноз,  
Ўлдиради қарашма-ю ибоси.*

*Товус каби товланади саҳнада,  
Не ошиқлар висолининг адоси.*

*У саҳнадан кириб келди юракка,  
О, дил, шундан шу дилбар мубталоси.*

*Мен ошиқдек неча бўлса, ажабмас,  
Шу гўзалдир саҳнаимизнинг Чароси.*

#### Ҳикмат

*Вақт ором нималигини билмайдиган ниҳоясиз  
ҳаракатдир — уни бошқача тушуниш мумкин эмас.*

Л. Н. ТОЛСТОЙ

## Минг ойдан афзал кеча

Айни кунларда мўмин-мусулмонлар қадр кечасини кутиб олишга ҳозирлик қўришмоқда. «Лайлатул-қадр кечаси» номи билан мусулмонлар томонидан интиқлик билан қўтиладиган ушбу кеча ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш мақсадида **Яшнобод тумани бош имом хатиби, «Али ибн Абу Толиб» жомеъ масжиди имом хатиби Фазлиддин АЛЛАЁРОВ** билан суҳбатлашдик.

— Қадр кечаси ойнинг нечанчи кунини келди?

Қадр кечаси Рамазон ойининг нечанчи кечаси экани Аллоҳ ва Расули томонидан сир тутилган. Лекин саҳобалар Расулуллоҳдан (с.а.в.) уни аниқлаб беришини кўп сўрашгандан кейин дастлаб ойнинг учинчи ўн кунлиги, кейинроқ тоқ кечаларидан излаш кераклигини айтганлар. Бундан ташқари, кечанинг аломатларини айтганлардан сўнг у 27-кеча экани маълум бўлган (Имом Бағавий тафсири). Абу Хурайра розияллоҳу анху ривоят қилишича Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ким Лайлатул-қадр кечасини имон ва ихлос билан бедор ўтқазса, унинг шу кечагача қилган гуноҳлари мағфират қилинур», дедилар (Муслим, Бухорий, Термизий ривоят).

— Бу кечада қандай амаллар бажарилади?

«Лайлатул-қадр» кечаси тонг отушча саломатлик, тинчлик ва омонлик кечасидир. Унда фаришталар мўминларга салом беради. Унда Аллоҳ таоло инсонларга фақат тинчлик-омонликни тақдир қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Кимки «Лайлатул-қадр» кечасини имон ва ихлос билан қўлиб бедор ўтқазса, унинг барча гуноҳлари кечирилади», деганлар. Абу Хурайра розия-

лоҳу анху ривоятчи, Бу кечани бедор ўтқазши — намоз ўқиш, дуо қилиш, истиффор айтиш ва Қуръон қироат қилишдан иборат.

Бундан ташқари, «қоим» лафзи лугатда тик туриш маъносини билдиради. Истилоҳда эса кечани ибодат ила ухламай ўтқазиш деган маънода ишлатилади. «Лайлатул-қадр»ни бедор ўтқазиш, қандоқ бўлади, деган саволга уламолар батафсил жавоб беришган. Аввало, бу кечани қоим бўлиб ўтқазиш учун ўша кеча хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан ўқиш керак. Чунки хадисда «ким хуфтонни жамоат билан ўқиса, кечанинг ярмини бедор ўтқазган бўлади», дейилган. Бошқа бир хадисда эса «ким бомдод намозини жамоат билан ўқиса, кечанинг ярмини бедор ўтқазган бўлади», дейилади. Қолаверса, кечанинг қолган қисмида нафл намоз ўқиб, Қуръон тиловат қилиб, зикр-у дуо қилиб чиқиш керак. Ана шунда кеча бедор ўтқазилган бўлади ва хадисда «Лайлатул-қадр»ни имон ва ихлос билан қоим бўлиб ўтқазганларга қилинган ваъда — ўтган гуноҳларнинг мағфират бўлишига эришилади.

Рамазонни шарифнинг йигирма еттинчи кечасида бедор бўлиб, ахли аёлини ҳам, ёр-у дўстларини ҳам ибодатга қўриб туриш лозим.

Аллоҳ таоло ўша кечанинг барақотидан минг ойлик ибодат-



Рамазон — барака ойи

нинг ажр-у савобидан кўра яхшироқ ажр-у савоб беришидан умидвор бўлиш керак.

Бу ишни ҳар бир шахс, ҳар бир оила, ҳар жамоа, ҳар бир қавм яхшилаб йўлга қўйиши керак. Чунки баъзи бир ҳолларда «Лайлатул-қадр» кечасини шунчаки бедор ўтқазишга уринишлар ҳам йўқ эмас. Бу кечада таом, бекорчи гап-сўзлар биринчи ўринга чиқиб қолмаслиги лозим.

Бир кеча бедор ухласадан, ибодат, зикр, Қуръон ва намоз ўқиб сахарликкача ўтирса, минг ойдан зиёд савоб берилади. Яъни, бир кеча бедор ибодатда бўлиш минг ой яшаб тинимсиз ибодат қилгандан афзал.

Барча ватандошларимизга бу муборак кечада солиҳ амалларни бажариб, Аллоҳ ризосига эришишни тилаган ҳолда юртимизга тинчлик-хотиржамлик, хонадонларимизга фаровонлиқни ато этишини Ўрагандан тилаб қоламиз.

«Ishonch» мухбири

Мўқаддас РАЗЗОҚОВА

суҳбатлашди.

#### МУАССИС:



2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида  
116-рақам билан рўйхатга  
олинган.

#### Бош муҳаррир:

Ҳусан ЭРМАТОВ

#### Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63  
Ҳуқуқ ва ҳалқаро ҳаёт — 256-64-69  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43  
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон  
Республикаси Президентининг фармон ва  
қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тақлилий,  
танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни  
билан танишишингиз мумкин.**

#### Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. **Қорхона маъли:** Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

#### Тахририят ҳисоб рақами:

2021.0000.0004.3052.7001,  
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

#### Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон  
Республикаси — (+998-91) 268-92-32  
Андижон — (+998-91) 475-23-60  
Бухоро — (+998-93) 653-50-81  
Жиззах — (+998-91) 943-67-44  
Наманган — (+998-90) 260-50-77  
Навоий — (+998-93) 314-13-03  
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87  
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55  
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07  
Фарғона — (+998-90) 991-55-71  
Хоразм — (+998-90) 719-48-00  
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи  
назаридан фарқлиниши мумкин.**

#### Навбатчи муҳаррир:

А. Тошев  
**Навбатчи:**  
А. Абулфайзов  
**Мусаҳҳих:**  
С. Шодиева  
**Саҳифаловчи:**  
Х. Абдужалилов  
Босишга топшириш вақти — **23:40**  
Топширилди — **00:00**  
1 2 3 4 6  
Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ:  
Буюртма Г — **609**,  
**29561** нусхада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: **133**